



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ  
СОҲАЛАРИДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ЖОРӢӢ ЭТИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТУТГАН  
ЎРНИ” МАВЗУСИДА  
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МАТЕРИАЛЛАР  
ТЎПЛАМИ



**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО  
И СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**



**«Роль высшего образования и производственных  
предприятий во внедрении инновационных технологий  
в области текстильной и лёгкой промышленности »**

**Международная научно-практическая  
конференция**

**29-30 апреля 2022 года**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ**



**Термез - 2022**

## ПАХТАНИ ҚАТЛАМДА ҚУРИТИШНИНГ АЭРОДИНАМИК РЕЖИМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

А.П. Парпиев, Б.Э. Қаршиев, И.Д.Исмоилов, И.Ф.Примқулов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

**Аннотация:** Мақолада лаборатория қуритгичида турли қатламдаги пахтани қуритишнинг аэродинамик тадқиқоти келтирилган. Пахтани қатламда турли қалинликда қуритилганда қўзғалмас қатламда, қайнар қатламда, канал ҳосил бўлиши ҳамда фонтан шаклида қуритишнинг тезликлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** Пахта қатлами, тўрли юза, иссиқ ҳаво, қўзғалмас қатлам, иссиқ ҳаво тезлиги, аэродинамик режим, канал ҳосил бўлиш тезлиги, фонтан ҳосил бўлиш тезлиги.

**Кириш.** Республикаизда тўқимачилик кластерлари тузилиши ва пахта тозалаш корхоналарини уларни таркибига киритилиши пахтани дастлабки ишлашни технологик режимларни қайта кўриб чиқиши талаб этмоқда.

Пахта тозалаш корхоналари мустақил ишлаган даврларда пахтани дастлабки ишлашни мувофиқлаштирилган технологиясининг [1] технологик ускуналарнинг ишлатиш бўйича тавсиялари асосан пахтадан тола чиқиши миқдорини ошириш максадида ишлаб чиқарилган эди. Мазкур тавсиялар бўйича пахта тозалаш корхоналарини ип-йигириув фабрикалар билан биргаликда ишлатилиши ишлаб чиқарилган толалар сифатида бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, толада нуқсонли аралашма ва ифлосликлар миқдори юқори, тола намлиги 8% дан кам бўлиб, ишлаб чиқарилган ипларни сифатига салбий таъсир этмоқда [2].

Пахтани қуритиш учун асосан конвектив усуллари қўлланилади. Ҳозирда пахтани қуритишида конвектив усулда ишловчи барабанлар ишлатилмоқда. Пахтани қатламда қуритиш бўйича ҳам бир қатор тадқиқотчилар [3,4,5], илмий тадқиқот ишларини олиб борилган ва бир қатор тавсиялар берилган. Лекин пахтани қатламда қуритишни етарли даражада назарий ва амалий асослар яратилмаганлиги, ҳамда уни амалга оширувчи самарали барқарор ишловчи қуритиш ускунасининг конструкцияси яратилмаганлиги сабабли пахтани қатламда қуритиш усули амалиётда тадбигини топмади.

Шуни таъкидлаш керакки, пахтани қатламда қуритиш асосан тўрли юза устига пахтани маълум қалинликда жойлаштирилиб, тўрли юза орқали унга иссиқ ҳаво бериш билан амалга оширилади.

Ҳаво бериш режимига қараб пахта қўзғалмас қатламда қурийди (ҳавони

юқори бўлмаган тезликларида), қайнаш ҳолатида ва муаллақ яъни фонтан ҳолатида қуриши мумкин. Турли материалларни қуритишда қайнар қатламда ва фонтан ҳолатида қуритиш самарадорлиги юқори бўлиши тадқиқотларда [6,7] асосланган.

Кўзғалмас қатламда қуритиш, қайнар қатламда қуритиш ҳамда фонтан шаклида қуритишни ўзига ҳос хусусиятлари бўлиб, алоҳида аэродинамик режим талаб этади.

Пахтани қўзғалмас қатламда қуритишга таъсир қилувчи омиллар – пахта тузилма таркиби, ҳаво бериш юзасини геометрик ўлчамлари ва аэродинамик қаршилиги, пахта қатлами қалинлиги, уни зичлиги ёки ғоваклиги, пахтани бошланғич намлиги, ҳаво тезлиги ва температураси, пахта қатламини бир текис тақсимланганлиги.

**Тажрибадан асосий мақсад** – пахтани қатламда қуритишда намлигини ўзгариш қонуниятини аниқлаш, пахта қатлами баландлиги, намлиги, ҳаво температураси ва тезлигини қуриш тезлигига таъсирини ўрганиш.


**Тажриба ўтказиши методикаси.** Бунинг учун СХЛ-3 корзинасига мослаб тўрли юза тайёрланди ва пахтани маҳсус ойнали идишга турли қалинликдаги пахта қўйилди. Намлиги 10,3 % пахта олиниб қатлам қалинлиги  $h=50-75-100$  мм да пахтадан ҳавонинг ўтиш тезлиги аниқланди. Бунинг учун аввал маҳсус ойнали идишга ўртача зичликдаги пахтани 50-75-100 мм қалинликда жойлаштириб, массаси мос равишида 232,6 гр, 476,2 гр ва 606,4 гр аниқланди. Намуналар кетма-кет СХЛ-3 корзинасига қўйилиб парракли анемометр ёрдамида пахтанинг қўзғалмас қатламдаги иссиқ ҳавонинг тезлиги, қайнаш бошланиш тезлиги, канал ҳосил бўлиш тезлиги ва фонтан ҳосил бўлиш тезликлари аниқланди.

**Тажриба натижалари ва уларни таҳлили.** Тажриба натижалари 1-жадвал ва 1-расмда келтирилган.

1-жадвал

Пахта зичлигини қатлам қалинлиги иссиқ ҳавонинг ўтиш тезлигининг ўзгариши

Қатлам қалинлиги, мм	Қатлам зичлиги $\text{г}/\text{м}^3$	Пахтанинг қўзғалмас қатламдаги тезлиги, м/с	Қайнаш бошланиш тезлиги, м/с	Канал ҳосил бўлиш тезлиги, м/с	Фонтан ҳосил бўлиш тезлиги, м/с
50	592,6	0,5	1,0	2,0	3,9
75	2426,5	1,0	2,0	2,4	4,9
100	4634,9	1,3	2,5	3,6	5,0



1-расм. Пахта қатлам қалинлигининг иссиқ ҳавонинг ўтиш тезлигига боғлиқлик гистограммаси (50, 75, 100 мм)

Олинган натижалардан пахтани турли қатламда иссиқ ҳаво берилгандан пахтадан иссиқ ҳавонинг ўтиши кузатилди. Пахта намлиги 10,3% ўртача зичликда бўлганда, 50 mm қалинликдаги пахтадан құзғалмас қатлам тезлиги, қайнаш бошланиш тезлиги, канал ҳосил бўлиш тезлиги ва фонтан ҳосил бўлиш тезлиги мос равишда 0,5; 1,0; 2,0 ва 3,9 м/с тезликда ҳосил бўлди. 75 mm қалинликдаги пахтадан құзғалмас қатлам тезлиги, қайнаш бошланиш тезлиги, канал ҳосил бўлиш тезлиги ва фонтан ҳосил бўлиш тезлиги мос равишда 1,0; 2,0; 2,4 ва 4,9 м/с тезликда бўлган бўлса, 100 mm қалинликдаги пахтадан құзғалмас қатлам тезлиги, қайнаш бошланиш тезлиги, канал ҳосил бўлиш тезлиги ва фонтан ҳосил бўлиш тезлиги мос равишда 1,3; 2,5; 3,6 ва 5,0 м/с тезлик кузатилди.

**Хуноса.** Иссиқ ҳавони паст тезлигига тўрли юза устида пахта қатламини ҳолати ва ҳажми ўзгармайди, харакатсиз қолди.

Ҳаво тезлигини ошиши пахта қатламини тебранишига олиб келди ва бу тебраниш чуқурлашди, натижада пахта қатлами, уни ғоваклиги ва қалинлиги ортиши, ушбу ҳолатда пахта орасидан иссиқ ҳаво ўтиши бир текис бўлди. Шу билан биргаликда намлик ажралиши тезлашди, ҳаво тезлигини янада оширилиши эса пахта қатламини тўрли юзадан ажралиб фонтан ҳолатга келишига олиб келди. Бунда пахта бўлаклари бир-биридан ажралиб, қатлам баландлиги ва ҳажми ошди ва ҳаво таъсирига учраган пахта юзаси ортишини кўрсатди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Пахтани дастлабки ишлашни мувофикалаштирувчи технологияси (ПДИ 75-2017). Уз пахта саноат, 2017.
2. Шакиров К.Ш. Обоснование и выбор режима слоевых хлопкасушилок: Дис. канд.техн.наук. Ташкент, 1959.
3. Суэтин Ю.И. Исследование процесса сушки хлопка-сырца: Дис. ... канд.техн.наук. Ташкент, 1968.
4. Умаров А.Р. Исследование сушки хлопка-сырца при осциллирующем режиме: Автореф. дис... канд.техн.наук. Ташкент, 1971.
5. Ерофеева О. Б., Умаров А. Р., Ниязов М. И. О температуре хлопка-сырца при сушкеего в осциллирующем режиме //Хлопковая промышленность. №2 - 1969. - №10. – С. 11-14.
6. Parpiyev A., A.Mamatov, Kayumov A.H., Analysis of heat transmission of cotton raw components. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Vol 5 , Issul 12, 2018. P-7534-7542.
7. Парпиев А. Основы комплексного решения проблем сохранения качества волокна и повышения производительности при предварительной переработке хлопка-сырца. Дисс. докт. техн. Наук, Кострома, 1990, 450 с.

## ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ПАХТАНИ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

проф. А.П.Парпиев, доц. М.М.Очилов,

таянч доктарант Б.Т.Бозоров, таянч докторант И.Р.Шамсиев

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

**Аннотация.** Мақолада пахта хом ашёсини тозалаши ҳолатининг таҳлили берилган. Тажрибалар натижасида пахтани тозалаши жараёнида ишлатилаётган тозалаши технологик жараёни ва пахта хом ашёсини тозалашда қозиқчали барабанларнинг тола сифатига таъсири ўрганилган.

**Аннотация.** В статье дан анализ состояния очистки хлопка-сырца. В результате экспериментов были изучены технологический процесс очистки, используемый в процессе хлопкоочистки, и влияние кальковых барабанов на качество волокна при очистке хлопка-сырца.

**Калит сўзлар:** Пахта, пахта ифлослиги, майда ифлослик, йирик ифлослик, аррали барабан, қозиқчали барабан.

Мақолада пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган УХК тозалаш агрегатини олдинги ва охирги қисмига ўрнатилган ўнта ва бештадан қозиқчали барабанларни ишлаш самарадорлигини қиёсий таққослаш натижалари келтирилган.

<b>А.Н. Батирова, М.Н.Мавлонова, З.К.Курбанбаева.</b> Тут ипак қути маҳаллий ва хориж дурагайларининг технологик қўрсаткичларига юқори ҳарорат таъсири	438
<b>A.S. Raximqulova, D.X. Temirova.</b> O'zbek milliy taqinchoqlari vohalarda bir-biridan farq qilinishi	443
<b>А.П. Парпиев, Б.Э. Қаршиев, И.Д.Исмоилов, И.Ғ.Примқулов.</b> Пахтани қатламда куритишнинг аэродинамик режимларини аниқлаш	447
<b>А.П.Парпиев, М.М.Очилов, Б.Т.Бозоров, И.Р.Шамсиев.</b> Пахта тозалаш корхоналарида пахтани тозалаш самарадорлиги таҳлили	450
<b>Ахмедов Ж.А., Эрматов Ш.Қ., Ортиқова Э., Бердиев Х.Б.</b> Такрорий етиштирилган хитой дурагай пилларини қобиқ хусусиятлари	453
<b>Ахмедов Ж.А., Эрматов Ш.Қ., Ортиқова Э., Турсынов Т.</b> Хитой дурагай пилларининг якка чувиш натижалари	457
<b>Rustamova К.Т., Qurbanov А.В., Yarashov S.N.</b> Kostyum-ko'yvak mo'ljalidagi materiallar va aralash tolali trikotaj matolarini olish uchun ishlatiladigan ayrim to'qimachilik mahsulotlari	460
<b>М.Х. Шомирзаев.</b> Каштачилик санъатини ўргатишдаги инновациялар	464
<b>М.Х. Шомирзаев.</b> Каштачиликнинг миллатлараро ўзига хос хусусиятлари	470
<b>Х.Ч. Дусяров.</b> Юртимиз меъморчилик тарихи ва уларнинг жихозланиш дизайни	474
<b>М.Б. Сайдова.</b> Народное творчество в духовном воспитании и становлении личности	478
<b>N.M.Islambekova, N.F.Rasulova., B.B. Ochildiyev.</b> Ipak qurtini boqish va pilla o'rash davrining pilla sifatiga ta'sirini taxlil etish	481
<b>Ахмедов Ж.А., Эрматов Ш.Қ., Умаров Г.А.</b> Ингичка толали пиллаларни якка чувиш натижалари	486
<b>М.М. Рахмонова, М.Қ. Дадажонова.</b> Хомиладор аеллар кийими конструкциясини ишлаб чикиш ва методикаларда таҳлили	491
<b>K.Z.Yunusov, E.N.Juraqulov, B.Y.Qoraboyev.</b> Ikki ignadonli interlok trikotaj to'quv mashinalarida yangi turdag'i ikki qatlamlili to'qimalarni yaratish	495
<b>Yunusxodjaeva X.М., Zoxidova M.</b> Toshkent-Farg`ona so`zana uslubini zamonaviy matolarda aks etishi	498
<b>Н.М. Сафаров., А.Т. Мажидов., С.И. Усмонхўжаев.</b> Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб юқори навли пахта хомашёсини куритишни энергиятежамкор конструкциясини яратиш ва параметрларини асослаш	501
<b>И.А.Буланов, А.К.Буланов, Д.Р.Сафаева.</b> Параметры качества тиражных оттисков	506
<b>Дурманова С.С. Хуррамова С.Э.</b> Жун толасини пардозлашга тайёрлаш жараёнини ўрганиш	510
<b>U.Urinbayeva, X.Babaxanova.</b> Speedmaster-102 uskunasining xavfsizlik bo'yicha innovatsion komponentlari	512
<b>Ш.Толипова, Х.А.Бабаханова.</b> Основные типы компьютерных шрифтов	514
<b>С.Д.Комилова, С.Р.Камалова.</b> Структурно-механические показатели бумаг, содержащих отходы кокономотального производства	518
<b>Умурзакова Х.Х., Абдурахманова М.Р., Эрматов Ш.Қ.</b> Исследование свойств сырья, применяемое для медицинской шелковой бинте	521
<b>А.Н. Батирова, В.У.Сулаймонова, Н.Р. Ишанходжаева.</b> Тут ипак қуртининг биологик ва маҳсулдорлик қўрсаткичларига юқори ҳарорат таъсири	526